



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 19 август, № 170 (8513)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТИМИЗ ЭЪТИБОРИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 август куни Халқаро конгресс марказида тадбиркорлар билан очик мулоқот ўтказди.



Бундай учрашув илк бор 2021 йил 20 августда ташкил этилган эди. Давлатимиз раҳбарининг таклифи билан бу анъанага айланган ҳамда мазкур сана мамлакатимизда “Тадбиркорлар куни” этиб белгиланди.

Тадбир аввалида Президент Шавкат Мирзиёев ишбилармонларни ушбу байрам

билан табриклаб, ўзининг чуқур ҳурмати ва эзгу тилаklarини билдирди.

— Ҳар бир мамлакатда тадбиркорлар катта куч-қудрат бўлиб келган. Ўзбекистонимизда ҳам иқтисодий ривожлантириш, иш ўринлари яратиш, камбағалликни қисқартириш, маҳаллаларни обод

этишга ҳаракат қиляпмиз. Бунга энг катта ҳисса қўшаётган ким? Тадбиркорлар! Сизлар ҳар бирингиз қаҳрамонсиз, фидойисиз. Биз сизлар билан фахрланамиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Бизнесга яратилган шароитлар натижа-сида бу соҳа изчил ривожланаётгани қайд

этилди. Ўтган бир йилда кичик тадбиркорлар сони 40 мингтага, ўрта тадбиркорлар сони 2 мингтага, йirik қорхоналар сони эса 400 тага кўпайган. Берилган энгилликлардан фойдаланиб, бир йилда 155 та қорхонанинг йиллик айланмаси 100 миллион доллардан ошган. Кирилган йиллик хо-

рижий сармоялар ҳажми эса илк бор 10 миллиард долларга етган.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИНИ ЯНАДА ЮКСАК БОСҚИЧГА КўТАРИШ — УСТУВОР ВАЗИФАМИЗДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очик мулоқот шаклида ўтказилган учрашувдаги нутқи

Ҳурматли бизнес вакиллари, ишбилармон тадбиркорлар, бугунги мулоқот иштирокчилари!

Бундан икки йил олдин яхши бир тажриба — Тадбиркорлар куни арафасида очик мулоқот шаклида сизлар билан учрашиб, тўпланиб қолган масалаларга биргаликда ечим топиш амалиётини йўлга қўйган эдик. Бугун ҳам ушбу анъанани давом эттириб, сизлар билан соғ-омон, хуш кайфиятда учрашиб турганимдан бағоят хурсандман.

Қадрли юртдошлар!

Очик айтиш керак, сўнгги 3-4 йилда халқаро майдонда бўлаётган ўзгаришлар дунё иқтисодиётига, шу жумладан, миллий иқтисодиётимизга ҳам катта таъсир ўтказмоқда.

Турли зиддиятлар туфайли логистика ва маҳсулот етказиб бериш занжи-

рининг узилгани, ҳамкор мамлакатлар валютасининг қадрсизлангани, глобал миқёсда инфляция даражаси юқори бўлиб қолаётгани оқибатида молиявий ресурсларнинг қимматлашгани каби омиллар таъсирини тадбиркорларимиз жуда яхши биладилар.

Тан олиш керак, бундан буён ҳам осон бўлмайди. Йўл қўйилган камчиликлардан тўғри сабоқ чиқариб, фақат олдинга интилсак, бизнинг меҳнаткаш халқимиз, ишбилармон тадбиркорларимиз ҳар қандай машаққатни албатта енгиб ўтади, мен бунга ишонман.

Дастлабки очик мулоқотимиз ҳам айнан жаҳондаги иқтисодий танглик ва ноаниқлик авжига чиққан даврда ўтказилгани бежиз эмас. Сабаби — бундай мураккаб шароитда муаммоларни бевосита бизнинг вакилларининг ўзидан эши-

тиб, уларга биргаликда ечим топиш ва бу орқали тезкорлик билан қарор қабул қилиш энг тўғри йўл эканини ҳаётнинг ўзи исботлаб берди. Мисол учун, 2021 йилда бўлиб ўтган очик мулоқот натижалари бўйича 57 та, ўтган йили эса 55 та ташаббус илгари сурилган эди.

Буларнинг ҳисобидан бизнесни юритишда нима энгилликлар бўлди? Тадбиркорлар ҳаётида қандай ижобий ўзгаришларга эришилди? Умуман, биргаликдаги ташаббусларимиз натижаси мамлакатимиз иқтисодиётига қандай ижобий таъсир кўрсатди?

Биринчидан, ўтган йилги таклифлар асосида бизнес субъектлари микро, кичик, ўрта ва йirik тоифаларга бўлинди ва уларнинг ҳар бири билан алоҳида ёндашувлар асосида ишлаш тизими йўлга қўйилди.

Шунингдек, туман ва шаҳарлар ҳам 5 та тоифага ажратилди, 60 та туманга алоҳида солиқ, кредит ва молиявий ёрдам режими жорий қилинди. Натижада бу туманлардаги тадбиркорлар ўтган олти ойда қарийб 1 триллион сўмлик имтиёزلардан фойдаланди. Бунинг ҳисобидан 20 та тумандаги тадбиркорларнинг даромади ўтган йилга нисбатан 1,5-2 баробар ошди. Бошқача айтганда, жорий йилнинг биринчи ярмида 7 триллион сўмдан 11,5 триллион сўмга кўпайган.

Қолган 40 та туман раҳбарлари ҳам тадбиркорлар билан яқиндан ишлаб, яратилган имкониятлардан самарали фойдаланганида эди, 5-тоифага кирадиган туман қолмасди.

Иккинчидан, қўшилган қиймат солиғини қайтариш мuddати қисқартирилиб, ўтган бир йил ичида — 2022 йил

1 августдан 2023 йил 1 августгача — 6 мингта қорхонага 20 триллион сўм қайтариб берилди. Айниқса, экспортдан валюта тушумини кутмасдан, қўшилган қиймат солиғини интисомли экспортчи қорхоналарга қайтариб бериш тартиби жорий қилинган натижасида 2 мингдан зиёд тадбиркорларнинг ҳисоб рақамига 7 триллион сўм келиб тушди.

Энг муҳими, ушбу солиқ ставкасини қўшилган қиймат занжири иштирокчилари сони 26 мингтага кўпайиб, уларнинг фаолияти “соядан” чиқди. Қўшилган қиймат солиғи тўловчилар сони 184 мингтага етди.

Самарасиз солиқ механизмларини қўллаш оқибатида вужудга келган солиқ қардорлигидан воз кенганимиз ҳисобидан бизнес иштирокчилари 2 триллион сўм қолди.

Учинчидан, кредит беришда айланмадаги товарлар, экспорт шартномалари, аккредитивлар ва келгуси тушумлардан ҳам гаров таъминоти сифатида фойдаланиш тизими яратилди. Бу имкониятдан фойдаланган тадбиркорларимизга 1 миллиард доллар кредитлар берилди.

Шунингдек, микро-молия ташкилотларини очиб тартибини осон қилдик. Бунинг натижасида мамлакатимизда банкларга муқобил кредитлар бозори пайдо бўлди. Натижада сўнгги бир йилда бундай ташкилотлар сони 1,5 баробар, улар ажратган кредит миқдори эса 3 баробар ошди. Бир йилда нобан ташкилотлар 3 триллион сўм кредит берган.

(Давоми 2-бетда).

БМТ ИНСТИТУТЛАРИ БИЛАН КўП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 август куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг сиёсий масалалар ва тинчликни барпо этиш масалалари бўйича ёрдамчиси Мирослав Енча бошчилигидаги ушбу нуфузли глобал тузилма делегациясини қабул қилди.

Узоқ мuddатли Барқарор ривожланиш мақсадларини рўйга чиқариш борасида БМТ институти ва марказлари билан кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув аввалида юқори даражали вакил Мирослав Енча давлатимиз раҳбарига ташкилот

Бош котиби Антониу Гутерришнинг саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди. БМТ тузилмалари бундан буён ҳам Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича ортага қайтмас ислохотлар дастурини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрлиги қайд этилди.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТАДБИРКОРЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ВАКИЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТўҒРИСИДА

Мамлакатимизда тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасида яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, республикамизнинг иқтисодий қудрати ва экспорт салоҳиятини оширишга катта ҳисса қўшиб келаётгани, ўзининг ташаббускорлиги, билим ва тажрибасини намойён этиб, соҳага инвестицияларни жалб қилиш, лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиши янада кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш йўлида ибрат ва намуна кўрсатаётгани, шунингдек, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими» фахрий унвони билан

Султонов Азамат Акрамович — Бухоро вилояти «Бухоро агрокластер» масъулияти чекланган жамияти директори

«Меҳнат шухрати» ордени билан Бакиев Дилшод Бахтиярович — Охангарон шаҳридаги «Охангарон қувур металлургия заводи» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент вилояти

Иминжанов Адхам Шарипжанович — Наманган шаҳридаги «Ифтихор кийим санаят» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Наманган вилояти

Набижонов Зокиржон — Қўрғонтепа туманидаги «KhanTex-Group» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

Расулов Улугбек Джамалиддинович — Чилонзор туманидаги «Orient Ceramic» хусусий қорхонаси таъсисчиси, Тошкент шаҳри

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Волонтерлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 16 майда қабул қилинган Сенат томонидан 2023 йил 5 августда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда волонтерлик фаолиятини ривожлантиришга, фуқароларнинг ижтимоий ташаббусларини қўллаб-қувватлашга, уларнинг ижтимоий вазибаларини ҳал этишдаги масъулиятини, бирдамлигини ва ўзаро ёрдам бериш кўникмаларини кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилди.

Шу билан бирга волонтерлик фаолиятини янада ривожлантириш ушбу фаолиятнинг қўллаб-қувватланишини, волонтерлик фаолиятини амалга оширувчи субъектлар билан давлат органларининг ҳамкорлиги кучайтирилишини, ижтимоий вазибаларини ҳал қилишда волонтерларга кўмаклашилишини, уларнинг хизматлари эътироф этилишини ҳамда уларнинг фаолиятини рағбатлантириш механизмлари такомиллаштирилишини талаб қилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН ВЕНГРИЯГА БОРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Венгрия Бош вазири Виктор Орбаннинг таклифига биноан жорий йил 19-20 август кунлари амалий ташриф билан Будапешт шаҳрида бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ, давлатимиз раҳбари Венгрия Бош вазири билан музокара ўтказди, унда мамлакатларимиз ўртасидаги амалий ҳамкорликнинг дастур ва лойиҳаларини илгари суриш масалалари кўриб чиқилди.

сифатида Венгрия давлат байрами — авлиё Иштван кунига бағишланган тадбирларда иштирок этади ҳамда Будапештда ўтаётган энгил атлетика бўйича жаҳон чемпионатининг эркаклар ўртасидаги югуриш мусобақалари финалига ташриф буюради.

Ў.А.

ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИНИ ЯНАДА ЮКСАК БОСҚИЧГА КЎТАРИШ — УСТУВОР ВАЗИФАМИЗДИР

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тadbirkорлари билан очик мулоқот шаклида ўтказилган учрашувдаги нутқи

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Биз божхона ҳудудида қайта ишлаш тизимини соддалаштирдик. Натижада ушбу божхона режимидан фойдаланувчи тadbirkорлар сони 2 баробар кўпайди. Мисол учун, бир йил ичида ушбу имконият орқали 455 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Шу тариқа 110 миллион долларлик қўшилган қиймат яратилди.

Тўртинчидан, илгари янги тadbirkорлар учун “кириш қийин бўлган” 119 та фаолият бўйича лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди ёки хабардор қилиш шаклига ўтказилди. Мамлакатимиз ҳудудида биргина юкларни автомобилда ташини фаолияти бўйича лицензияларни бекор қилиш ҳисобидан юк ташини ҳажми 1,5 баробар ошди.

Бешинчидан, тadbirkорлар ўзлари айтсин, тўғри ишлайдиган солиқ тўловчилар фаолиятида текширишлар кескин қисқаргани сезилдими ёки йўқми?

Эътибор беринг, 2023 йилнинг олти ойида текширишлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 40 фоиз ёки 104 мингтадан 64 мингтага камайган. Яъни тadbirkорларимиз тўғри ишлаш “сояда” ишладан кўра афзал эканини тушуниб етмоқда. Шунинг учун ҳам солиқ ҳисоботларини топшириш ва камерал текшириш натижаларни бўйича молиявий жарималар кўлланиши бекор қилинди.

Умуман, ўтган бир йилда кичик тadbirkорлар сони 40 мингтага кўпайиб, 490 мингга, ўрта тadbirkорлар сони 2 мингтага ошиб, 10 мингга етди. Йирик корхоналар сони эса бир йилда 400 тага кўпайиб, 1,5 мингга бўлди.

Берилган енгилликлардан фойдаланиб, бир йилда 155 та корхонанинг йиллик айланмиси 100 миллион доллардан ошди. Киришган йиллик хорижий сармоялар ҳажми эса илк бор 10 миллиард долларга етди. Бу — 2017 йилга нисбатан 3 баробар кўп демакдир.

Бўлиб ўтган очик мулоқотлардан кейин сўнгги икки йилда корхоналаримиз томонидан 25 миллиард долларлик маҳсулотлар экспорт қилинди ва аввал импорт қилинган 10 миллиард долларлик маҳсулотни ўзимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Хурматли бизнес вакиллари!

Юқорида кайд этилган барча натижаларимиз ташаббускор, ишбилармон ва фидойи тadbirkорларимизнинг меҳнати билан бўлмоқда ва биз буни юксак қадрлаймиз.

Шу муносабат билан ушбу ютуқларга эришишда катта ҳисса қўлиб келаятган, янги ғоялар ташаббускорни бўлган кичик тadbirkорларимизга, иқтисодиётимиз локомотивига айланган ўрта бизнес вакилларига, минглаб иш ўринлари яратиш, одамларимизни даромадли қилаётган йирик корхоналар раҳбарларига, бозорларимизга барака олиб кираётган кластер, фермер ва деҳқонларимизга ўзининг самийи миннатдорчилигини билдирмаман.

Мана бугун ҳам бир гуруҳ тadbirkорларимизнинг мамлакатимиз тараққиётига қўшган ҳиссасини юксак эътироф этиб, уларнинг 44 нафарини орден ва медаллар билан, 126 нафарини эса “Фаол тadbirkор” кўкрак нишони билан тақдирладик.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу эътирофга сазовор бўлган тadbirkорларимизга яна бир чукр ташаккур билдираман ва сизларнинг сафларингиз кун сайин кенгайиб боришига астойдил ишонаман!

Азиз ватандошлар!

Бир нарсани тан олиш керакки, етти йиллик сай-ҳаракатларимиз натижасида **Янги Ўзбекистонда янги тadbirkорлар синфи** шаклланди.

Хабарингиз бор, бу йил — сиёсий тadbirkорларга бой йил бўлди. Бошлаган ислохотларимиз ортага қайтмас тус олишни қафолатлаш мақсадида халқимиз янгиланган Конституцияни қабул қилди.

Энг муҳими, Бош қомусимизда илк бор қўлай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини ташминлаш, мулк дахл-сизлиги, бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратиш, суд мустақиллиги бўйича давлат ўзига аниқ мажбуриятлар олди.

Сайловли учрашувлариде айтилган катта-катта марраларни рўёбга чиқариш учун келгуси етти йиллик ислохотларимиз дастури лойиҳаси август оқи бошида кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Муҳокамаларда бир миллиондан ортик тақлиф ва мулоҳазалар билдирилгани, бунда тadbirkорларимиздан юртимизнинг келгуси тараққиётини учун муҳим бўлган қўлай янги-янги ташаббуслар келиб тушгани бизни албатта қувонтирди.

Шу билан бирга, биз барча масалаларни ҳал қилдик, деб айта олаймиз. Бизнесга янги-янги имкониятлар яратиш, шароитларни янада кенгайтириш бўйича ҳали олдимизда қиладиган ишларимиз кўп.

Яратганингиз бизга марҳамат қилган ҳар бир кунин, барчамиз учун янги имконият. Гап нима ҳақида эканини тadbirkорларимиз ҳаммадан ҳам яқши тушунадилар. Бундан унумли фойдаланиб, имкониятни натижага айлантириш учун барчамиз тинимсиз изланишимиз, янги ғоя ва ташаббуслардан кўрқмасдан, янада кўпроқ меҳнат қилишимиз керак.

Хурматли тadbirkорлар!

Ушбу мулоқотимиз арафасида тadbirkорларимиздан 6 мингга яқин мурожаат келиб тушди. Улар кўтарган асосий масалалар — кредит ва молиявий ёрдамни кенгайтириш (ҳами мурожаатларнинг 26 фоизи), бизнесни жой ва инфратузилма билан таъминлаш (21 фоиз), солиқ тизимини соддалаштириш (10 фоиз), текширишлар ва ортикча бюрократияни кескин қисқартириш (8 фоиз) билан боғлиқ.

Ушбу рақамларни кўриб, биласизларми, биринчи берган саволим нима бўлди? Нима учун мурожаатлар сони

ўтган йилгидан кам? Лекин, тақлиф ва ташаббуслар билан бирма-бир танишиб, бир нарсга амин бўлдим.

Олдинги очик мулоқотларга тайёргарлик давомида кўтарилган масалаларнинг 80 фоизи индивидуал хусусиятга эга бўлиб, кўплари жойида ҳал қилинган эди.

Бу сафар 70 фоиз тadbirkорларимиз тизимли муаммоларни ечимлари билан тақлиф қилишмоқда. Тadbirkорларимиз фақат ўзига эмас, балки бутун соҳага наф келтирадиган масалаларни кўтараятгани албатта қувонarli хол.

Очик мулоқот натижаларни бўйича қабул қилинадиган қарорларда буларнинг барчаси инобатга олинади.

Энди сизлардан келиб тушган тақлифлар асосида энг муҳим янги ташаббусларга тўхталиб ўтаман.

Биринчи йўналиш — кичик бизнес учун янги имкониятлар

Маълумки, кичик бизнес — бу маҳаллага, туманга янги муҳит олиб кирадиган, одамларимизга шижоат берадиган катта қучдир.

Иқтисодиёти жадал ривожланаятган қўйлаб давлатларда иш ўринларининг 70-80 фоизи шу соҳа вакиллари томонидан яратилмоқда. Барча нуфузли компаниялар тарихи ҳам айнан кичик ва ўрта бизнесдан бошланган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда микро-бизнес ва оилавий тadbirkорликни ривожлантириш бўйича катта амалий ишлар қилинди. Дастурлар орқали микро-бизнесни молиявий қўйлаб-қувватлашга ҳар йили 1 миллиард доллардан зиёд маблағ йўналтирилмоқда. Натижада бугун ҳар бир маҳаллада камидан 40-50 нафар янги тadbirkор пайдо бўлиб, минглаб доимий иш ўринлари яратилмоқда. Лекин кичик бизнесни манзилли қўйлаб-қувватлаш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиш борасида бундай муҳит ҳали тўлиқ шаклланиб улгурмади, десак, адолатдан бўлади.

Биз йил бошида кичик бизнес тоифасига кимлар киришини аниқ белгилаб олдик. Энди кичик тadbirkорларнинг “оёққа туриб олиши” ва фаолиятини кенгайтириши учун мулқало янги ёндашувларни жорий этамиз. Бунда ушбу соҳа вакилларини тadbirkорликка ўқитиш, уларга лойиҳа тайёрлаб бериш, фаолиятини молиялаштириш, маҳсулотларига бозор, бизнесига шериклар топши бўйича яхлит экотизим яратилади.

Бунинг учун, **энг аввало**, “Қишлоқ қурилиш банк”ни “Бизнесни ривожлантириш банк”га айлантираемиз. Ушбу янги банкнинг фаолияти ҳам, ишлаш услуби ва молиялаштириш механизми ҳам янгиҳа бўлади. Жумладан, банк ҳузурида ҳар бир ҳудудда жами 14 та кичик бизнес маркази ташкил этилади.

Оилавий тadbirkорлик дастурлари доирасида таъриба орттирган 500 мингтадан зиёд микро-бизнес вакиллари бор. Энди 9 минг 400 та маҳалладаги ҳоким ёрдамчилари ўз ҳудудиде микродан кичик бизнесга ўсмоқчи бўлган 3-4 нафар тadbirkорни ҳар ойида бизнес марказларига жалб қилади.

Марказлар эса ташаббускорларнинг бизнес лойиҳаларини ишлаб чиқишга қўмаклашди, ўз ҳисобидан янги лойиҳа қўмоқчи бўлган тadbirkорларни ўқитади, янги лойиҳаларга зарур мутахассисларни жалб қилади, тadbirkорлар учун бухгалтерия, солиқ, аудит, маркетинг, ҳуқуқий ва бошқа консалтинг хизматларини кўрсатади.

Иккинчидан, ҳудудлардаги Кичик бизнес марказларида ўқиган тadbirkорларнинг лойиҳаларини энг қўлай шартлар асосида молиялаштириш йўлга қўйилади.

Бунда кичик бизнес лойиҳасининг 10 фоизига тadbirkор инвестиция киритса, 45 фоизига “Бизнесни ривожлантириш банки”нинг ўзи, қолган 45 фоизи учун давлат қўмағида ресурс йўналтирилади.

Ушбу мақсадлар учун бир “тadbirkорлик йили”да банкнинг ўзи 500 миллион доллар олиб келади, давлат яна шунича миқдорда маблағ ажратди. Кредитлар тadbirkорларга 5-7 йил муддатга имтиёзли шартлар асосида берилди. Ушбу маблағларнинг 150 миллион долларни бўйича кредит линиялари 1 октябрдан очилади.

Ўз бизнесини йўлга қўя олган, “кредит ва солиқ тарихи” тоза бўлган тadbirkорларга фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш учун кредит олишда гаров талаби 50 фоизга камайтирилади.

Лойиҳани амалга оширишда қўшимча ресурсга эҳтиёж бор корхоналарга мавжуд кредитга қўшимча маблағ ажратишга рўхсат берилди. Бунинг учун йилга қўшимча 1 триллион сўм ажратилади. Шунингдек, лойиҳа доирасида олиб кириладиган асбоб-ускунани суғуртлаш, хомашё ва материалларни сертификатлаш харажатлари марказлар томонидан қўйлаб берилди.

Умуман, дастурда иштирок этаятган кичик бизнес корхоналари фаолиятини ўз йилга қўшимча 1 триллион сўм ажратилади. Шунингдек, лойиҳа доирасида олиб кириладиган асбоб-ускунани суғуртлаш, хомашё ва материалларни сертификатлаш харажатлари марказлар томонидан қўйлаб берилди.

Учинчидан, кичик бизнес марказларини бошқаришга хусусий шериклар жалб қилинади. Ушбу тadbirkорларга “Бизнесни ривожлантириш банки”га хиссадор бўлиб кириш ҳуқуқи берилди.

Шунингдек, марказларга хорижий мутахассисларни ҳам олиб келамиз. Бунда бизнес-консультант, муҳандис-технолог, дизайнер, мехмонхона бошқарувчиси, маркетинг, агроном, ветеринар, уруғшунос каби хориждан жалб қилинган мутахассисларга Ўзбекистонда ишлаш учун рухсатнома бериш муддати ҳозирги 1 йилдан 3 йилга узайтирилади. Ишлашга рухсатнома тўлови эса ҳозирги 10 миллион сўмдан 330 минг сўмга туширилади. Уларга ҳудудий меҳнат органидан ишга жалб этиш мақсадига мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса олиш талаб қилинмайди.

Бешинчидан, янги тизимни жорий этиш бўйича алоҳида қонун ҳам қабул қиламиз. Бунда марказ билан ҳамкорликда кичик бизнес лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ барча жараёнлар соддалашган тартибда белгиланади.

Албатта, банк ҳам, марказ ҳам янги лойиҳа даромад келтириб, тadbirkор фаолияти ривожланишидан манфаатдор бўлиши зарур. Шунинг учун янги кичик бизнес лойиҳаси ишга тушган, икки йил давомида улардан тушадиган барча солиқлар “Бизнесни ривожлантириш банки”нинг айланма маблағи учун ўтказиб берилди. Яъни тadbirkор қанча кўп даромад топишидан банк манфаатдор бўладиган тизим яратилади.

Энг асосийси, ушбу дастурда исталган давлат банки ва хусусий банклар иштирок этиши, ўзлари ҳам ресурс жалб қилиши мумкин бўлади. Банкларнинг дастур доирасида олган фойдаси солиқ базасидан чегириб ташланади. Шунда тadbirkорларда ҳам, банкларда ҳам манфаат ва рақобат бўлади. Бунинг учун Европа тиклиниш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси ва бошқа халқаро молиявий ташкилотлардан яна 500 миллион доллар жалб қиламиз.

Мақсадимиз — бир йил ичида камидан 150 мингта кичик бизнес субъектини “оёққа турғизиш”, камидан 25 мингта сони ўрта корхоналарга айлантириш, соҳада 250 мингта янги доимий иш ўрни яратишдан иборат.

Иккинчи йўналиш — ўрта бизнес барқарор иқтисодий ўсиш гарови

Хурматли бизнес вакиллари!

Иқтисодиётимизнинг янги технология ва инновацияларга асосланган, сифатли ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарадиган муҳим бўғини бу — ўрта бизнес.

Лекин ҳозир ўрта бизнес учун шароитлар етарли эмас, десак, тўғри бўлади. Фақатгина Тadbirkорлик фаолиятини қўйлаб-қувватлаш давлат жағғармиси тижорат кредитларига кафилик ёки компенсация бериб келяпти. У ҳам барчага эмас.

Шу боис биз кичик бизнесдан ўрта бизнесга ўтиш истигади бўлган тadbirkорларни қўйлаб-қувватлаш бўйича ҳам янгиҳа ёндашувларни йўлга қўямиз. Бу борича бизнесни қўйлаб-қувватлаш бўйича мавжуд жағғармаларнинг фаолияти ҳам, ишлаш усули ҳам тубдан ўзгаради.

Энди Тadbirkорлик фаолиятини қўйлаб-қувватлаш давлат жағғармиси (Ж.Қўчқоров) хизмат кўрсатиш бўйича, “яшил” ва энергия самарадор лойиҳаларга молиявий ёрдам кўрсатишга, Саноатни ривожлантириш жағғармиси (Ж.Ходжаев) эса саноат лойиҳаларини учун масъул бўлади.

Биз жағғармаларни бошқаришга малякали хорижий менежерларни олиб келамиз. Ушбу жағғармалар бюджет маблағлари билан келгани қолмайди, уларга мустақил инвестиция жалб қилиш ваколати берилди. Бу орқали келгуси бир йилда ушбу жағғармалар ўрта бизнес учун қўшимча 1 миллиард доллар маблағ олиб келади.

Биринчидан, биз “драйвер” тармоқларда истиқболли инвестиция амалга ошириш учун Саноатни ривожлантириш жағғармисини ташкил этиб, дастлабки босқичда унга 200 миллион доллар ажратдик.

Жағғармадан 1 сентябрдан бошлаб, янги лойиҳаларни молиялаштириш учун хорижий валютада 5 фоиз, миллий валютада 10 фоиз ставкада 10 йил муддатга кредитлар ажратилади, саноат корхоналарига 1 йил муддатга хорижий валютада 4 фоиз, миллий валютада 10 фоиз ставкада айланма маблағ тақдим этилади.

Бунда олиб келинадиган асбоб-ускуна учун 15 фоизлик аванс тўловлари ҳам Жағғарма томонидан кредит қилиб берилди, маркетинг, лойиҳалаштириш, хорижий мутахассис жалб қилиш харажатларининг 20 минг долларга қисмига компенсация тўланади.

Иккинчидан, саноат ипотекаси тизимини йўлга қўйилди, тadbirkорларга “тайёр бизнес” шаклида ишлаб чиқариш майдонлари қуриб берилди. Жумладан, ҳар бир виллоятда камидан 3 тадан янги саноат зонаси ташкил этилади.

Бундан ташқари, саноат зоналарида ишлаб чиқариш объекти ишга туширилиб, инвестиция мажбуриятлари бақарилганидан сўнг ер майдонларини хусусийлаштиришга рўхсат берилди.

Учинчидан, охириги йилларда катта-катта инвестиция дастурларини амалга ошириш ҳисобидан мамлакатимизда 20 мингга яқин замонавий ускуналарга эга корхоналар барпо этилди. Буларнинг яами — ўрта корхоналардир.

Бу корхоналар фаолиятини кенгайтириш учун уларга янги инвестор ва брендларни жалб қилишга қўмаклашиш зарур. Шу боис, энди агар корхона хорижий бренд ва инвестор билан қилишганга эришса, унга янги ташкил қилинган Саноат жағғармиси 25 фоизгача бўлган капиталга сармоя билан кириши мумкин бўлади.

Тўртинчидан, Тadbirkорлик жағғармиси иқтисодиётимизнинг яна бир драйвери бўлган хизматлар соҳасига масъул бўлади.

Жағғармага салоҳиятли ўрта бизнес корхоналарига хиссадор бўлиб кириш ваколати берилди. Бунинг учун жорий йилда Жағғармага қўшимча 25 миллион доллар, келгуси йилда яна 100 миллион доллар ажратилади.

Шу билан бирга, Жағғарма томонидан ўрта бизнес учун хорижий валютада кредитларга ҳам кафилик берилади. Жағғарма туризм, савдо ва сервис соҳаларида “хизматлар ипотекаси” тизимини жорий қилади.

Энди мехмонхона, ресторан, савдо комплекси, автотураргоҳ, ёқилиш шохобчиси, кемпинг каби объектларнинг тайёр лойиҳалари тadbirkорларга тақлиф этилади.

Шунингдек, Жағғарма тadbirkорларга хизмат кўрсатиш объекти учун ер сотиб олиш, бино-иншоотлар қуриш ва айланма маблағи учун ҳам ресурс ажратади. Шу билан бирга, корхоналарда яшил технологияларни жорий қилиш учун хорижий ҳамкорларимиздан 100 миллион доллар жалб қилинади.

Ана шу икита янги тизим 1 октябрдан тўлақонли ишга туширилади ва келгуси бир йилда ўрта бизнесда саноат соҳасида 2 мингта ва хизматлар бўйича 10 мингта янги лойиҳалар молиялаштирилади.

Агар биргаликда астойдил ишласак, ушбу янги имкониятлар ҳисобидан қўшимча 1 миллиард долларлик хизматлар, 5 миллиард долларлик янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, 350 мингта янги иш ўрнини бемалол ташкил қила оламиз.

Учинчи йўналиш — янги бозорларга сифатли ва рақобатбардош маҳсулот билан кириш

Азиз дўстлар!

Шубҳасиз, сўнгги йилларда бунга эътибор қаратиб, ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 баробар оширганамиз иқтисодиётимизда юқори ўсиш сурьатларини таъминлади.

Бир нарсани тўғри тушуниш керак. Биз айрим мамлакатлар каби нефтьга ресурсларини сотиш ҳисобидан юқори иқтисодий ўсишни таъминлай олмаيمиз.

Бизнинг нефтимиз ҳам, газимиз ҳам бу — Сиз каби ташаббускор ва ишбилармон тadbirkорлар хомашёдан яратаятган юқори қийматли ва сифатли маҳсулотлардир.

Шу боис маҳсулотларимиз — ташқи бозорларда сифатли, талабгорлиги юқори ва рақобатбардош бўлиши керак. Ана шундай натижага эришиш учун ишлаб чиқаришни мулқало янги босқичга олиб чиқиб, кескин ўсиш қилишимиз зарур.

Ўтган йилги очик мулоқотда “**Янги Ўзбекистон — рақобатбардош маҳсулотлар юрти**” дастурини бошлаган эдик. Дастур доирасида 100 та етарки экспортчи корхона танлаб олинди, уларга кредит, солиқ, божхона бўйича алоҳида режим жорий қилинди. Натижада жорий йилда бу корхоналар экспортни 1,5 баробар кўпайтиб, 1,2 миллиард долларга етказдилар.

Умуман, экспортни қўйлаб-қувватлаш ҳисобидан сўнгги тўрт йилда бундай корхоналар сони 4,5 мингтадан 7,2 мингтага кўпайди, четга сотилаётган маҳсулот турлари 1,5 мингтадан 3 мингтага ошиб, географияси 139 та мамлакатдан 164 тага кенгайди, ташқи бозорларга тайёр маҳсулот сотиш ҳажми 2 баробар, бунда товарлар экспортдаги улуши эса 50 фоиздан 65 фоизга ошди.

Шу билан бирга, халқаро майдондаги вазият ҳисобига олишга харажатлари 3-4 марта остиб кетди. Шу боис биз экспортчи корхоналарни қўйлаб-қувватлашни изчил давом эттирамиз. Улар учун молиявий имкониятларни янада кенгайтиришимиз зарур.

Бунда логистика харажатларини компенсация қилишга қўшимча 100 миллион доллар йўналтирамиз. Шунингдек, маҳсулотларни хорижда сертификатлаш, халқаро стандартларни жорий қилиш ва бу борича мутахассис тайёрлашга яна 25 миллион доллар ажратилади.

Биз “**Янги Ўзбекистон — рақобатбардош маҳсулотлар юрти**” дастурини жорий йилда ҳам давом эттирамиз. Улар учун молиявий имкониятларни янада кенгайтиришимиз зарур.

Бунда логистика харажатларини компенсация қилишга қўшимча 100 миллион доллар йўналтирамиз. Шунингдек, маҳсулотларни хорижда сертификатлаш, халқаро стандартларни жорий қилиш ва бу борича мутахассисларни тайёрлаш талаблари жорий қиламиз.

Иккинчидан, маҳаллий корхоналардаги ишчиларга муносиб меҳнат шароитларини яратиб берамиз.

Учинчидан, брендларнинг маҳсулотларини олиб кириш ва экспорт қилиш

учун қўлай божхона режимини жорий қиламиз.

Йирик брендларни жалб қилган корхоналарга 500 миллион сўмдан грант ажратилади. Мисол учун, Германиянинг “Дизель” брендини жалб қилган Намангандаги “Фазман текстиль” корхонаси раҳбари Неймат Фатҳиддинов ҳамда АҚШнинг “Найк” брендини жалб қилган Андижондаги “Сино интернейшнл” корхонаси раҳбари Фан Ронгхуанга бугун биринчи бўлиб ушбу грантни беришни тақлиф қиламан.

Ўйлайманки, халқаро бозорга чиқмоқчи бўлган тadbirkорларимиз бу тақлифларни қўйлаб-қувватлайди.

Тўртинчи йўналиш — юқори даромадли корхоналарни кўпайтириш

Хурматли тadbirkор иштирокчилари!

Бугунги учрашувда янги бир ташаббусни илгари сурмоқчимиз.

Халқаро консультантларни жалб қилган ҳолда, электротехника, тўқимачилик, чарм-пойабзал, заргарлик, қурилиш материаллари, мебеласозлик, полимер, кимё ва озиқ-овқат саноати бўйича 140 та тайёр лойиҳа ишлаб чиқилди.

Бугун сизларга ушбу 140 та илгор саноат корхонаси лойиҳалари тақдимот қилинди. Ушбу лойиҳаларнинг жами қиймати 10 миллиард долларга тенг бўлиб, уларда 60 мингта иш ўрни яратиш, йилга 5 миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда 2,5 миллиард долларлик экспорт қилиш кўзда тутилган.

Мазкур 140 та лойиҳа электрон платформага қўйилиб, тadbirkорларга очик-ошкора шартлар асосида тақлиф қилинмоқда. Бу ерда ўтирган тadbirkорлар орасида дастурда иштирок этишга ким қизиқиш билдирса, хозирнинг ўзида улар билан шартнома тузишга тайёрми. Уларга жойи ҳам, маблағи ҳам, инфратузилмаси ҳам хозирнинг ўзида ҳал қилиб берилди.

Дастурга кирган корхоналарга Саноатни ривожлантириш жағғармиси ҳисобидан 10 йил муддатта паст фоизли кредитлар ажратилади.

Келгуси йил очик мулоқотда ушбу лойиҳаларни биргаликда албатта ишга туширамиз.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Волонтерлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ушбу Қонун билан «Волонтерлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига волонтерлик фаолияти соҳасидаги давлат мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш, шунингдек мазкур соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўйича ваколатлар берилишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Бундан ташқари ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлигини волонтерлик фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи этиб белгилаш, унинг мазкур соҳадаги ваколатларини аниқлаштириш, шунингдек республика ижро этувчи ҳокимият органларининг волонтерликини қўллаб-қувватлаш ва унга кўмаклашиш бўйича ваколатларини аниқлаштириш назарда тутилмоқда.

Ушбу Қонун волонтерлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга, волонтерлик фаолиятини ривожлантириш соҳасида республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ваколатларини белгилашга, шунингдек волонтерлик фаолиятини янада рағбатлантиришга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 декабрда қабул қилинган «Волонтерлик фаолияти тўғрисида»ги УРҚ-585-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 12, 879-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модданинг тўққизинчи хатбошисидagi** «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари» деган сўзлар «давлат ҳокимияти органлари, республика ижро этувчи ҳокимият органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **9-модданинг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

волонтерлик фаолияти соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

волонтерлик фаолияти соҳасидаги давлат мақсадли дастурларини тасдиқлайди ва уларнинг бажарилишини таъминлайди;

волонтерлик фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ваколатлари доирасида қабул қилади;

волонтерлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқади;

волонтерлик фаолияти соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ва тажриба алмашишга кўмаклашади»;

3) қуйидаги мазмундаги **9¹** ва **9²-моддалар** билан тўлдирилсин:

«9¹-модда. **Махсус ваколатли давлат органининг волонтерлик фаолияти соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлиги волонтерлик фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органидир (бундан бўён матнда махсус ваколатли давлат органи деб юритилади).

Махсус ваколатли давлат органи:

волонтерлик фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

волонтерлик фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ўз ваколатлари доирасида ишлаб чиқади;

волонтерлик фаолиятини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

волонтерлик фаолияти соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича тақлифлар киритади;

волонтерлик фаолиятини ахборот ва маслаҳат жиҳатидан,

шунингдек ўқув-услубий жиҳатдан ўз ваколатлари доирасида қўллаб-қувватлайди;

жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек давлат органлари билан волонтерлик фаолияти соҳасида ҳамкорлик қилади;

волонтерлик фаолияти соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.

Махсус ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

9²-модда. **Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг волонтерлик фаолияти соҳасидаги ваколатлари**

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари:

волонтерлик фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

волонтерлик фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда ўз ваколатлари доирасида иштирок этади;

волонтерлик фаолияти соҳасидаги давлат мақсадли дастурларини ўз ваколатлари доирасида амалга оширади;

жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек давлат органлари билан волонтерлик фаолияти соҳасида ҳамкорлик қилади.

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари волонтерлик фаолияти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат ижтимоий буортмаларини бериши мумкин»;

4) **10-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи** ва **бешинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«волонтерлик фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда ўз ваколатлари доирасида иштирок этади;

волонтерлик фаолияти соҳасидаги давлат мақсадли дастурларини ўз ваколатлари доирасида амалга оширади»;

тўртинчи ва **бешинчи хатбошилари** тегишинча **олтинчи** ва **еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

5) **14-модданинг тўртинчи қисми** «шунингдек энг кўп ўзини кўрсатган волонтерларни рағбатлантириш ва (ёки) мукофотлаш учун номзодларни» деган сўзлардан кейин «махсус ваколатли давлат органига» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) **19-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Махсус ваколатли давлат органи волонтерларнинг волонтерлик фаолияти соҳасидаги хизматларини эътироф этишга доир тадбирларни ўтказида»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

7) **24-модданинг учинчи хатбошисидagi** «давлат бошқаруви органлари» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқиларини ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри, 2023 йил 18 август № УРҚ—863

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТАДБИРКОРЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ВАКИЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Сануридинов Саидмухтор Саидгаффарович — Оҳангарон шаҳридаги «Premier Electrotech» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент вилояти

Хожиев Шабон Тўраевич — Вобкент туманидаги «Кумушкет ипаги» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бўжоро вилояти

Эргашев Тожимурод Тошпўлатович — Бандихон туманидаги «Хўжайпок Тошкент» кўша корхонаси бош директори, Сурхондарё вилояти

«Дўстлик» ордени билан

Абдуллаев Раҳматжон Ахмадович — Янгиҳаёт туманидаги «Almeteo Group» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

Атабаев Баҳрам Рузметович — Кўшкўпир туманидаги «Уммон балик» фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

Бекжанова Амина Каримбаевна — Мўйноқ туманидаги «Миунак Tour» масъулияти чекланган жамияти директори, Қорақалпоғистон Республикаси

Кабуллов Иркин Абдусаматович — Жиззах шаҳридаги «Jizzax Eco Textile» масъулияти чекланган жамияти ижрочи директори, Жиззах вилояти

Маматқуллов Бекзод Акмалович — Яшнобод туманидаги «BMB Trade Group» компанияси кузатув кенгаши раиси, Тошкент шаҳри

Маншаев Алексей Николаевич — Қибрай туманидаги «Kanishka Fur» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент вилояти

Мирзиятов Миртохир Мирджамилевич — Юнусобод туманидаги «Chiiland» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

Олимов Кахрамонжон Анварович — Миробод туманидаги «New retail» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

Усманова Барчиной Маматқулловна — Гулистон шаҳридаги «Agro Youth» ишлаб чиқариш кооперативи директори, Сирдарё вилояти

Файзиев Ибрагим Ахмаджонович — Навоий шаҳридаги «Navpromlitmas» масъулияти чекланган жамияти директори, Навоий вилояти

Хидоятлов Анвар Киличович — Оҳангарон шаҳридаги «Silk Plast Quality» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент вилояти

Хуршид Иляс — Бўжоро туманидаги «Buxara Varnet» хорижий корхонаси таъсисчиси ва бош директори, Бўжоро вилояти

Шарипов Тохир Мираҳимович — Сергели туманидаги «Alutex» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

Шукурлаев Дилшод Далерович — Самарқанд шаҳридаги «Zarmed Pratiksha Hospital Group» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Самарқанд вилояти

Эшонхожаев Ахмадхон Маматхоневич — Косонсой туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Наманган вилояти

«Шухрат» медали билан

Артиков Ўқтамжон Абдирайимович — Асака туманидаги «Sino International Invest» масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилояти

Ахмедов Акмал Қавилжонович — Шароф Рашидов туманидаги «Euro Aziza Motors» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти

Гюнош Махфуза Маликжановна — Тўрақўрғон туманидаги «Runamtex» хорижий корхонаси директори, Наманган вилояти

Дадаходжаев Сайдулло Махаммаджонович — Андижон туманидаги «Emery Pharma» масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилояти

Дарбишев Жавлонбек Абдухаликович — Мирзаобод туманидаги «Gulistan Gold Yarn» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Сирдарё вилояти

Джуманова Гавхаржан Раҳимбаевна — Урганч шаҳридаги «Darital Shoes» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Хоразм вилояти

Джўраева Икlima Маъжитовна — Ғиждувон туманидаги «Фирдавс Уқтам Амон омади» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бўжоро вилояти

Ибрагимов Шерзод Баходирович — Миробод туманидаги «MAAB Innovation» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

Иминов Нуриддин Акбарович — Қўштепа туманидаги «Водий насли куёнлари» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Фарғона вилояти

Карамова Қундуз Зайдуллаевна — Қарши шаҳридаги «Бувижоним пишириқлари» хусусий корхонаси раҳбари, Қашқадарё вилояти

Қурбанов Алишер Қурбанович — Музработ туманидаги «Амирул бобо» фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Кучкунов Турғун Қурбоневич — Фориш туманидаги «Rustex Invest Products» масъулияти чекланган жамияти маслаҳатчиси, Жиззах вилояти

Мирзаева Садокат Алишеровна — Фарғона туманидаги «Art House Sadosh» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Фарғона вилояти

Муратов Шухрат Кахарович — Қарши шаҳридаги «Ar Techno Servis» хусусий корхонаси раҳбари, Қашқадарё вилояти

Муратова Нигора Хамдулоевна — Яшнобод туманидаги «Nika Medical Service» хусусий клиникаси директори, Тошкент шаҳри

Норбоев Анвар Очилович — Каттакўрғон туманидаги «Каттакўрғон электротехника заводи» масъулияти чекланган жамияти директори, Самарқанд вилояти

Примбетов Қаллибек Нурмаҳамбетович — Нукус туманидаги «Nukus Agro Fish Klaster» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

Саидова Дирабол Аликовна — Кониҳек туманидаги «Pride Workwear» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Навоий вилояти

Хаджиев Одил Тажибоевич — Бағдод туманидаги «Ғофуржон дехон» масъулияти чекланган жамияти директори, Фарғона вилояти

Халилов Насимжон Алимович — Косон туманидаги «Косон фэйз барака» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Қашқадарё вилояти

Шеров Жўрамурад Сафарович — Бўжоро шаҳридаги «Ягона Бўжоро» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бўжоро вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри, 2023 йил 18 август

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТИМИЗ ЭЪТИБОРИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18 августдаги Фармонида мувофиқ, мамлакатимиз иқтисодий кудрати ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришда намуна қўрсатаётган 44 нафар юртдошимиз давлат мукофотлари билан тақдирланди. Байрам тадбирида уларга ана шу унвон, орден ва медаллар топширилди.

Шунингдек, жойларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17 августдаги фармойишига мувофиқ, 126 нафар илгор бизнесмен «Фалол тадбиркор» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Мулоқотда ўтган йиллардаги учрашувлар натижаларига тўхталиб ўтилди. 2021 йили бўлган оник мулоқот бўйича 57 та, ўтган йили эса 55 та ташаббус илгари сурилган эди. Уларнинг натижасида бизнесни юритишда қўллаб энгилликлар бўлди.

Мисол учун, ўтган йилги тақлифлар асосида бизнес субъектлари микро, кичик, ўрта ва йирик тоифаларга бўлиниб, улар билан алоҳида ишлаш йўли қўйилди. Худди шундай, туман ва шаҳарлар ҳам 5 та тоифага ажратилди, 60 та туманга алоҳида солиқ, кредит ва молиявий ёрдам режими янги жорий қилинди.

Қўшилган қиймат солиғини қайтариш мuddати қисқартирилиб, ўтган бир йил ичида 6 мингта корхонага 20 триллион сўм қайтариб берилган. Энг муҳими, ушбу солиқ ставкаси 12 фоизга туширилгани ҳисобига қўшилган қиймат занжир иштирокчилари сони 26 мингтага қўпайиб, фаолияти «соядан» чиққан.

Кредит беришда айланмадаги товарлар, экспорт шартномалари, аккредитивлар ва келгуси тушувлардан ҳам гаров таъминоти сифатида фойдаланиш тизими яратилди. Бу имконият орқали тадбиркорларга 1 миллиард доллар кредитлар берилган.

Божхона ҳудудида қайта ишлаш тизими соддалаштирилди. Натижада ушбу божхона режимдан фойдаланувчи тадбиркорлар сони 2 баробар кўпайди. Бир йил ичида ушбу имконият орқали 455 миллион долларлик махсуслот экспорт қилинди.

Илгари янги тадбиркорлар учун «кириш қийин бўлган» 119 та фаолият бўйича лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди ёки хабардор қилиш шаклига ўтказилди. Жорий йилнинг олти ойида солиқ тўловчилар фаолиятида текширишлар ўтган йилнинг соқ давридагига нисбатан 40 фоизга камайган.

Президент Шавкат Мирзиёев мулоқотда маърузасида бешта асосий йўналишни кўрсатиб ўтди. Уларнинг ҳар бири ўз ичига қўллаб ташаббусларни камраб олди.

Биринчи йўналиш — кичик бизнесга янги имкониятлар.

Бу соҳа вакилларини тадбиркорликка ўқитиш, уларга лойиҳа тайёрлаб бериш, фаолиятини молиялаштириш, махсуслотларига бозор ва бизнесига шериклар топиш бўйича яхлит экотизим яратилиши қайд этилди. Бунинг учун, энг аввало, «Қишлоқ қурилиш банк» «Бизнесни ривожлантириш банки»га айлантирилади. Банк ҳузурида ҳар бир ҳудудда жами 14 та кичик бизнес маркази ташкил этилади. Уларда ўқиган тадбиркорларнинг лойиҳалари энг қулай шартларда молиялаштирилади. Бу дастурда иштирок этаётган кичик бизнес корхоналари фаолиятини уч йилгача текширишга йўл қўйилмайди.

Умуман, ўтган бир йилда кичик тадбиркорлар сони 40 мингтага қўпайган, ўрта тадбиркорлар сони 2 мингтага ошиб, 10 мингта етган. Йирик корхоналар сони эса бир йилда 400 тага қўпайиб, 1,5 мингта бўлди.

Берилган энгилликлардан фойдаланиб, бир йилда 155 та корхонанинг йиллик айланмаси 100 миллион доллардан ошган. Киритилган йиллик хорижий сармоялар ҳажми эса илк бор 10 миллиард долларга етган.

Очик мулоқотлардан кейин, сўнгги икки йилда корхоналаримиз томонидан 25 миллиард долларлик махсуслотлар экспорт қилинган ва аввал импорт бўлган 10 миллиард долларлик махсуслотни ўзимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

лий валютада 10 фоиз ставкада 10 йил мuddатга кредитлар ажратилади.

Саноат ипотекаси тизими йўлга қўйилиб, тадбиркорларга «тайёр бизнес» шаклида ишлаб чиқариш майдонлари қўриб берилди. Жумладан, ҳар бир вилоятда камида 3 тадан янги саноат зоналари ташкил этилади.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси иқтисодиётнинг яна бир драйвери бўлган хизматлар соҳасига маъсўл бўлади. Жамғарма туризм, савдо ва сервис соҳаларида «хизматлар ипотекаси» тизимини жорий қилади.

Ушбу янги имкониятлар ҳисобидан қўшимча 1 миллиард долларлик хизматлар, 5 миллиард долларлик янги махсуслотлар, 350 минг янги иш ўринлари ташкил қилиш мумкинлиги айтилди.

Учинчи йўналиш янги бозорларга сифатли ва рақобатбардос махсуслот билан кириш бўйича бўлди.

— Биз айрим мамлакатлар каби нефть-газ ресурсларини сотиш ҳисобидан юқори иқтисодий ўсишни таъминлай олмаيمиз. Бизнинг нефтимиз ҳам, газимиз ҳам бу — Сиз каби ташаббускор ва ишбилармон тадбиркорлар яратётган юқори қийматли ва сифатли махсуслотлардир, — деди Президент.

Бу йўналиш давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани самарасида сўнгги тўрт йилда экспортчи корхоналар сони 4 минг 500 тадан 7 минг 200 тага қўпайган. Экспорт махсуслот турлари 1 минг 500 тадан 3 мингтага ошиб, географияси 139 та мамлакатдан 164 тага кенгайган.

Ўтган йили «Янги Ўзбекистон — рақобатбардос махсуслотлар юрти» дастури бошланган эди. Унинг доирасида 100 та етакчи экспортчи корхонага кредит, солиқ, божхона бўйича алоҳида режим жорий қилинди.

Мулоқотда мазкур дастур жорий йилда ҳам давом эттирилиши ва қамраб олинандиган корхоналар сони 500 тага етказилиши маълум қилинди.

Давлатимиз раҳбари нуфузли хорижий брендларни мамлакатимизга жалб қилиш масаласига алоҳида аҳамият қаратди. Бунинг учун, хорижий ҳамкорлар сўровига мувофиқ, ишлаб чиқаришга халқаро стандартлар, экология ва сертификатлаш талабларини ҳамда қулай божхона режимини хорижий қилиш, маҳаллий корхоналардаги ишчилар

БМТ ИНСТИТУТЛАРИ БИЛАН КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда мамлакатимизнинг БМТ билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиги мисли кўрилмаган юксак даражага чиқди. Биргаликда қарий 140 та дастур ва лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар Бош ассамблеясининг 6 та резолюцияси қабул қилинди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши, Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш комиссияси, ЮНЕСКОнинг маданий мерос бўйича кўмитаси ва кўплаб бошқа тузилмаларда фаол иштирок этмоқда.

Жорий йилнинг биргина иккинчи ярмида мамлакатимизда БМТ доирасидаги

қатор муҳим халқаро тадбирлар, шу жумладан, Озқ-овқат хавфсизлиги бўйича ФАО конференцияси ҳамда Жаҳон туризм ташкилоти бош ассамблеясининг 25-йўбилей сессияси ўтказилиши режалаштирилган.

Учрашувда барқарор таъриқоти соҳасидаги миллий Озқ-овқат хавфсизлиги ва мақсадли равишда амалга ошириш бўйича амалий ҳамкорлик истиқболлари кўриб чиқилди.

Марказий Осиёда яхши кўшничилик ва шериклик муносабатларини мустақамлаш ва бу жараёнда БМТнинг Превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази ролини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ў.А.

Ўрганиш ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ВА ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

Авал хабар берилганидек, Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева бошчилигидаги ишчи гуруҳ ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид вазифалар ижроси устидан парламент назоратини таъминлаш ва уларнинг bajarиллишида кўмаклашиш мақсадида ҳудудларга таъйин бўлмоқда.

Жумладан, шу йилнинг 16-17 август кунлари Сенат Раиси Андижон вилоятининг Асака, Марҳамат, Андижон, Хонобод, Қўрғонтепа, Жалакудук, Хўжаобод, Бўстон туманлари ва Андижон шаҳридаги бир қатор объектларда олиб борилаётган ишлар ҳолатини ўрганиш ҳамда улар фаолиятида мавжуд муаммолар, камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсиялар берди.

Яъни 18 минг тонна металл эритиш ва қўйиш юмушлари бажарилмоқда. Бу ерда 224 та иш ўрни яратилгани ҳам таъсирчан лойиҳа.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар Тошкент трактор заводи ва "Uzauto motors" корхоналарига етказиб берилмоқда.

Сенат Раиси бошчилигидаги ишчи гуруҳ, шунингдек, Андижон, Хонобод, Қўрғонтепа, Жалакудук, Хўжаобод, Бўстон туманлари ва Андижон шаҳридаги корхоналар фаолияти билан ҳам қизиқди.

Хусусан, Асака туманидаги ўрганишлар давомида "Asaka tekstil" МЧЖга қарашли пахта толасини қайта ишлаш корхонаси фаолияти билан танишилди. Мазкур корхона йилга 16 минг тонна пахтани қайта ишлаш қувватига эга. Корхона томонидан калава ип, трикотаж мато тўкиши, сочлик газлама тўкиши, бўяш, тайёр маҳсулотларни тикиш йўлга қўйилган. Бугунги кунда корхонада 2 минг 220 нафар ишчи-ҳодим фаолият олиб бормоқда.

Бундан ташқари, ижтимоий соҳа объектларидаги жараёнларга ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, 2019 — 2022 йилларда реконструкция қилинган Андижон шаҳридаги перинатал маркази, "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази ҳамда 2022-2023 йилги Инвестиция дастури доирасида амалга оширилаётган Андижон давлат тиббиёт институти клиникасининг қурилиш-таъмирлаш ишларини ва футзал учун мўлжалланган Универсал спорт мажмуасининг қурилиш жараёни кўздан кечирилди.

Ўрганишлар давомида корхонада айрим муаммолар мавжудлиги ҳам маълум бўлди. Масалан, вилоят "Асака" АТБ томонидан берилган кредит маблағларини қайтариш учун белгиланган имтиёзли даврдан фойдалана олмаган. Корхонадаги электр энергияси таъминоти яхшилаш мақсадида янги 10 минг кВт. қувватига эга трансформатор ўрнатилиши зарурати ҳам мавжуд. Тадбиркорлик субъекти томонидан билдирилган бу каби ҳолатлар парламент назоратига олиниб, тегишли тартибда қўриб чиқилиши билдирилди.

Сенат Раиси туман ва шаҳарлардаги "маҳалла бешлиги" билан учрашиб, давлат раҳбари айнан нима учун ҳар бир масалани маҳалла кесимида ҳал этишга урга бераётганига алоҳида тўхтади. Маҳалла вакиллари қийнаётган муаммолар юзасидан мулоқот ўтказиб, бу борада парламент томонидан услубий кўмак берилиши айтиб ўтилди.

Ўрганиш давомида тумандаги "Net House" усулида малиначиликка ихтисослаштирилган иссиқхона фаолияти ҳам кўздан кечирилди. 175 та кишилик иссиқхона жомаси томонидан ҳар йили 7 млн. долларлик маҳсулот экспорт қилинмоқда.

Шунингдек, Сенат Раиси иқтисодий тармоқлар ривожига ҳисса қўшаётган тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан кенгрок танишиди. Тумандаги металл эритиш ва қўйиш билан шуғулланувчи "Auto Spring Components" корхонаси бунга мисол бўла олади. Ушбу корхонада йилга 27,4 млн. доллар миқдоридаги маҳсулот тайёрлаш,

«Халқ сўзи».

ЎЗАРО АЛОҚАЛАР МУСТАҚАМЛАНМОҚДА

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоеванинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг сиёсий масалалар бўйича ёрдамчиси Мирослав Енча билан учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот

Сенат Раиси бундай мулоқот БМТ билан кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш нуктаи назаридан ниҳоятда муҳим эканини таъкидлади.

Учрашув давомида Ўзбекистоннинг БМТ билан ўзаро алоқалари тобора кенгайиб бораётгани, хусусан, иқтисодий, илм-фан, соғлиқни сақлаш, экология, маданият ва таълим йўналишларидаги алоқалар самараси алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, кейинги йилларда Ўзбекистоннинг БМТ ва унинг ихтисослаштирилган идоралари билан ҳамкорлиги фаоллашганига алоҳида эътибор қаратилди. Дарҳақиқат, бугунги кунда БМТнинг Ўзбекистондаги ихтисослашган муассасалари томонидан "яшил" иқтисодий, иқлим ўзгариши ҳамда савдо ривожлантириш ва бошқа йўналишларда 174 млн. долларлик 137 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон БМТ доирасида жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланган, барқарорлик ва илҳом тарқатишни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга амалий ҳисса қўшаётган ташаббусларни илҳом қилиб келатгани ҳам алоҳида айтиб ўтилди. Жумладан, Ўзбекистон ташаббуси билан сўнгги йилларда минтақавий ҳамкорлик, экология, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, БРМга эришишни жадаллаштиришда парламентларо мулоқотни ривожлантиришга қаратилган БМТ Бош Ассамблеясининг 6 та махсус резолюцияси қабул қилинди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ташаббусларини халқаро майдонда илҳом қилиш, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни ҳамда минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга оид аниқ қадамларни қўллаб-қувватлашда БМТ билан конструктив ҳамкорлик юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, Сенат ва БМТнинг Марказий Осиёда Превентив дипломатия бўйича минтақавий локази ўртасида 2024 йил учун алоҳида ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурати қайд этилди. БМТ билан Орол денгизининг қуриши оқибатларини юмшатиш, минтақа аҳолиси турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш, ҳудудда замонавий ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфра-

тузилмаси объектларини барпо этиш бўйича янги чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларини кўриб чиқиш, 2022 — 2025 йиллар учун "Аёллар, тинчлик ва хавфсизлик тўғрисида"ги резолюция қондаларини имплементация қилиш бўйича "Йўл харитаси"ни амалга ошириш юзасидан ташкилот ва унинг ихтисослашган идоралари билан ҳамкорликни кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Дустона ва амалий рўхда кенгаши мулоқот якунида Ўзбекистон ва БМТ ўртасида барча соҳада ўзаро манфаатли муносабатларни янада кенгайтиришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАДОРЛИгини ТАЪМИНЛАШ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИДАН ҲАМЖИҲАТЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Шу йилнинг 17 август куни Қашқадарё вилоятининг Касби туманида халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда депутатлар томонидан туманда қишлоқ хўжалиги имкониятларидан самарали фойдаланиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Кун тартибидagi масалалар юзасидан депутатлар туман ҳокими Т. Мейлиев ҳамда туман ички ишлар бўлими бошлиғи Ф. Асадовнинг ахборотларини эшитди. Таъкидландики, Касби туманида Президентимиз томонидан белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан самарали фойдаланиш, ҳосилдорликни ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш орқали аҳоли даромадларини ошириш борасида тизимли иш олиб борилаётган.

Соҳада яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлардан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Хусусан, 1,6 минг гектар мелиоратив ҳолати ёмонлашган ер майдонларини яхшилаш ҳисобига ҳосилдорликни кўшимча 5 центнерга ошириш мумкин. Бундан ташқари, 26 та тик қудуқлар қазих ҳамда 500 минг тонна маҳаллий ўғитларни жамғариш ҳисобига сўғориладиган ерлардан қўшимча ҳосил олиш, 2,2 минг гектар ерларни замонавий мосламалар билан тегишлан, 412 гектар фойдаланилмайдиган дала майдонларидagi бўш ерларни фойдаланишга қиратиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтириш имконияти мавжуд.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги ерларида томчилатиб ва ёғирлатиб сўғоришни жорий қилиш орқали ҳосилдорликни ошириш мумкин.

Сессияда туманда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида олиб борилаётган ҳамда келгусида амалга оширилиши режалаштирилган ишлар ҳақида депутатларга батафсил ахборот берилди.

Шунингдек, ҳудудда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактик ҳисобга олинганларни ишга жойлаштириш ҳамда уларнинг банд-



Бартараф этиш вазифаси юклатилиб, ушбу масала

доимий назоратга олинганлиги таъкидланди.

Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларидан иборат ишчи гуруҳи аъзоларининг ҳам муҳокама этилган масалалар бўйича фикр ва мулоҳазалари эшитилди.

Сессияда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов иштирок этди ҳамда мамлакатимизда бу йил амалга оширилган конституциявий ислохотлар, унинг моҳияти ва

аҳамияти, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ўрни ва масъулияти, шунингдек, Президентимиз раҳнамоллигида амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, яқинда Фаргона, Тошкент ҳамда Бухоро вилоятларида ўтказилган йиғилишлардаги маърузалар ва уларда белгиланган вазифаларга алоҳида тўхтади.

Сессияда муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сўз — сессия иштирокчиларига

С. ҲАМРОЕВ, халқ депутатлари Касби тумани Кенгаши депутати, Суд-ҳуқуқ ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича доимий комиссия раиси:

— Бугунги сессия йиғилишида иккита муҳим масала муҳокама қилинди. Хусусан, туман ҳокими ҳамда мутасадди идоралар раҳбарларининг қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишдаги мавжуд имкониятлардан қай даражада фойдаланилаётганлиги бўйича ахборотларни эшитилди.

Н. ХУДОЙБЕРДИЕВ, халқ депутатлари Касби тумани Кенгаши депутати:

— Бугунги сессия йиғилишида иккита муҳим масала муҳокама қилинди. Хусусан, туман ҳокими ҳамда мутасадди идоралар раҳбарларининг қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишдаги мавжуд имкониятлардан қай даражада фойдаланилаётганлиги бўйича ахборотларни эшитилди.

Дарҳақиқат, туманимизда бу соҳада катта захиралар мавжуд ва ундан оқилона фойдаланиш зарур. Давлат раҳбарининг Фаргона вилоятида бўлиб ўтган йиғилишдаги маърузасида ислохотлар бажарилиши устидан депутатлик, жамоатчилик назоратини ўрнатилиши ҳақидаги фикрлари ниҳоятда долзарб. Маҳаллий Кенгашлар ислохотлардан четда турмаслиги керак.

Бугунги сессия йиғилишида иккита муҳим масала муҳокама қилинди. Хусусан, туман ҳокими ҳамда мутасадди идоралар раҳбарларининг қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишдаги мавжуд имкониятлардан қай даражада фойдаланилаётганлиги бўйича ахборотларни эшитилди.

Шу билан бирга, сессияда депутатлар томонидан туман ички ишлар бўлими йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати фаолияти ҳақида танқидий фикрлар билдирилди ва яқин кунлар ичида йўллардаги камчиликларни

Дарҳақиқат, туманимизда бу соҳада катта захиралар мавжуд ва ундан оқилона фойдаланиш зарур. Давлат раҳбарининг Фаргона вилоятида бўлиб ўтган йиғилишдаги маърузасида ислохотлар бажарилиши устидан депутатлик, жамоатчилик назоратини ўрнатилиши ҳақидаги фикрлари ниҳоятда долзарб. Маҳаллий Кенгашлар ислохотлардан четда турмаслиги керак.

Айтиш мумкинки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокидаги йиғилиш жуда самарали бўлди ва бундан кейин фаолиятимизни янада кучайтиришни мақсад қилдик.

ДЕПУТАТЛАР НИМАДАН НОРОЗИ?

Халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессиясида шаҳарда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Депутатлар Қарши шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Ф. Ибрагимов ҳамда шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари С. Қаюмовнинг ахборотларини эшитди.

Қайд этилганидек, Қарши шаҳрида Президентимиз томонидан жиноятчиликни жилаволаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноят содир этилишининг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф қилиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Шаҳарда содир этилаётган ҳар бир жиноят мутасадди идоралар раҳбарлари иштирокида маҳалларда кенг муҳокама қилиниб, шаҳардаги криминоген вазият оғир бўлган "қизил" ва "сарик" тоифага киритилган маҳаллаларни "яшил" тоифага ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмаётгани таъкидланди.

Хусусан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш базасидан "ижтимоий профилактика" тизимини жорий қилиш бўйича "Йўл харитаси" ишлаб чиқилган.

Сессияда ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш йўналишида тизимли ишлар олиб борилаётганига қарамай, Қарши шаҳрида жиноятчилик сони ошаётгани қайд этилди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган 7 ойида барча йўналишдаги жиноятлар ўртада йилнинг мос давридагига нисбатан 16 фоизга кўпайгани танқид остига олинди.

Айниқса, жиноятларнинг очилиши (фаш этилиши) 126,6 фоизга ёмонлашган, оғир турдаги жиноятлар 36,7 фоизга, ўта оғир турдаги жиноятлар эса 107,6 фоизга, му-

ди. Бу борада уларга камчиликларни бартараф этиш вазифаси юклатилиб, ушбу масала доимий назорат олинганлиги таъкидланди.

Кун тартибидagi иккинчи масала юзасидан берилган ахборотга кўра, Қарши шаҳрида аҳолининг доимий, вақтинчалик ва мавсумий ишларда банд қилишга устувор аҳамият берилмоқда.

Қайд этилганидек, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг асосий мақсади аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, камбағалликни қисқартиришдир. Ва бу борада манзилли ишлар амалга ошириляпти.

Жумладан, Қарши шаҳрида жорий йилнинг ўтган даврида 22,5 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилган. Ташкил этилган "Бўш иш ўринлари" ярмаркаларида

371 та корхона ва ташкилотлар томонидан тақдир этилган бўш иш ўринларига 145 нафар фуқаро ишга жойлаштирилган, 101 нафар одам ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинган, 193 нафари касб-ҳунарга ўқшга юборилган, 234 нафар фуқарога маслаҳат ёрдами берилган.

Сессияда депутатлар томонидан соҳадаги айрим масалалар танқид остига олинди. Жумладан, шаҳарда айрим корхона ва ташкилотларда, айниқса, хусусий секторда ишлаётган аксарият ишчилар билан меҳнат муносабатлари ҳуқуқий жиҳатдан етарлича тартибга солилмагани, аксарият ишчи-ҳодимлар билан иш бевуви ўртасида меҳнат шартномалари тузилмаётгани, бу эса "хуфиёна иқтисодиёт"га йўл очаётгани таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов мамлакатимизда амалга оширилган конституциявий ислохотлар, унинг моҳияти ва аҳамияти, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ўрни ҳамда масъулияти ҳақида, шунингдек, Президентимизнинг шу йил 28 июль кунини Фаргона шаҳрида ўтказилган ва ҳудудларда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги устувор вазифалар юзасидан қилган маърузаси ва унда белгиланган вазифалар ҳақида алоҳида тўхтади.

Сессияда муҳокама этилган масалалар юзасидан халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Сўз — сессия иштирокчиларига

Ю. САЙДАЛИЕВ, халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгаши депутати:

Х. ИШИМОВ, халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгаши депутати:

— Бугунги сессия йиғилиши муҳокамасига муҳим масалалар киритилгани айни мудоаб бўлди. Чунки Қарши шаҳри учун янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бугунги кунда ниҳоятда долзарб ҳисобланади. Бу бўйича шаҳар ҳокимияти ва тегишли идоралар раҳбарлари ҳисоботларини муҳокама қилар эканмиз, айни йўналишда кўп ишлар амалга оширилган бўлса-да, имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмагани ҳам маълум бўлди.

— Мамлакатимиз Президентини доимий равишда аҳоли бандлигини таъминлашни тараққитимизнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида эътибор этади. Шу жиҳатдан айтганда, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2023 йил 16 февраль кунги қарори билан "Қашқадарё вилоятида 2023 йил аҳоли бандлигини таъминлаш дастури" тасдиқланган. Мазкур қарорда Қарши шаҳрида 2023 йил давомида доимий, вақтинчалик, мавсумий ишларда банд қилиш бўйича мақсадли кўрсаткичлар белгиланган.

Жумладан, ҳоким ёрдамчилари томонидан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида имтиёзли кредитлар учун ажратилган лимитларнинг 33 фоизидан фойдаланилган ҳолос. Албатта, 5 нафар ҳоким ёрдамчилари ишдан бўшатилди. Лекин нимага шу ҳолат юз берган, депутатлар назорати, жамоат назорати нега амалга оширилмаган, деган саволлар бугунги сессияда алоҳида таъкидланди. Шундай экан, бундан буён асло бефарқ бўлмасдан, камчиликларимизни бартараф қилиб, янада фаол бўлишимиз талаб этилади.

Бу жуда тўғри ҳамда оқилона иш бўлди ва бунга ташкил этишда депутатлар корпуси ҳам четда турмади. Жумладан, 32 минг 507 нафар фуқароларни банд қилиш ойлари соҳалар кесимида белгиланган олинди. Жорий йилнинг етти ойида 22 минг 951 та (70,1 фоиз) иш ўринлари яратилди.

— Бугунги сессия йиғилишида йилнинг охиригача бажарилиши лозим бўлган ишлар атрофлича муҳокама қилинди ва мутасадди раҳбарларнинг вазифалари белгиланган.

— Бугунги сессия йиғилишида йилнинг охиригача бажарилиши лозим бўлган ишлар атрофлича муҳокама қилинди ва мутасадди раҳбарларнинг вазифалари белгиланган.

— Бугунги сессия йиғилишида йилнинг охиригача бажарилиши лозим бўлган ишлар атрофлича муҳокама қилинди ва мутасадди раҳбарларнинг вазифалари белгиланган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.

Газетанинг ҳақиқатий маълумотларини оқиб олдиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 0013-0788

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 841. 32 145 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

Таҳририятга келган кўлаб маълумотлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг тақриб берилиши учун обунани расмийлаштиришга ташкилот жаобгар.

Газетанинг тақриб берилиши учун обунани расмийлаштиришга ташкилот жаобгар.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислол Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.
Музаҳхач — С. Исмоилов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонаси. Корхона манзили:
Буок Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.05 Топширилди — 02.05 1 2 3 4 5 6